

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САГИНДИКОВА НАРГИЗА ДЖУБАТКАНОВНА**

**ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА МАСЪУЛИЯТНИНГ ГЕНДЕР  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология  
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2017**

**Психология фанлари бўйича Фалсафа фоктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
psychological Sciences**

**Сагиндикова Наргиза Джубаткановна**

Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер  
хусусиятлари..... 3

**Сагиндикова Наргиза Джубаткановна**

Гендерные особенности ответственности в учебной деятельности  
студентов ..... 23

**Sagindikova Nargiza Djubatkanovna**

Gender peculiarities responsibility students in educational activity ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САГИНДИКОВА НАРГИЗА ДЖУБАТКАНОВНА**

**ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА МАСЪУЛИЯТНИНГ  
ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология  
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Psi14 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-falsafa@nuu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаев Нуриддин Салихович**  
психология фанлар доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Самаров Рустам Садриддинович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Хайитов Ойбек Эшбоевич**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси, «В» қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ғ.Б.Шоумаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

**А.И.Расулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

**Д.Г.Мухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, психол.ф.д.

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида психологияда талабалар ўқув фаолиятини ўрганишга йўналтирилган қатор изланишлар олиб борилган. Айнан ижтимоий ва касбий масъулиятнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари юзасидан алоҳида тадқиқотлар ўрганилган. Бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар талабаларнинг таълим жараёнида билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари масалаларини ўрганиш уларнинг келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Жаҳон миқёсидаги тадқиқотларда талабалар масъулиятини шакллантиришда рақамли ва таълим технологияларининг таъсири, масъулиятни касбий фаолиятнинг муҳим мезони эканлиги, касбга масъулиятлилики камол топтириш шарт-шароитлари масалалари ўрганилган. Талабалар масъулиятининг ўқув фаолиятидаги ўрганилиши бугунги кунда таълим ислохотлари учун муҳим аҳамият касб этувчи долзарб муаммолардан бири. Шу боис, талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятларини одоб-ахлоқ меъёрлари, ўқув фаолияти мотивациялари ва касбий билиш статусига (таълим босқичлари) кўра, янада мукамалроқ муаммо сифатида ўрганишни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти – таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, уни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, жамиятда яшаётган ёшларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини шакллантириш ва уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида: «ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларда кўрсатилган вазифаларида ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Шу боис, талабалар мисолида ёшлар масъулиятининг гендер хусусиятларини ўрганиш психологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлда «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. – 206 б.

чора-тадбирлари тўғрисида» ги 311-сон Қарори, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ 406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунлари ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ёритишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Масъулият муаммосининг ижтимоий-психологик моҳиятини жаҳон педагог ва психолог олимларидан Bates A., Bates M & Bates L. J., (2007); Fenwick T & Edwards R. (2016); Macfarlane B. (2014); Solbrekke T. D., Karseth B<sup>2</sup>, Крылов Л.В (2010), Казанцева О.А (2008), Панарин И (2010) Басова О.А (2008), Сахарова В.Г (2003), Гришаева Н.В лар (2010) ўз тадқиқотларида талабалар ва лидер ёшлар ҳаракатида ижтимоий масъулиятни тарбиялашнинг педагогик шароитларини, масъулиятнинг индивидуал-психологик хусусиятларини, корхона эгаларининг шахсий-касбий ривожланиши жараёнида, шахс омили, бошқарув кадрларида масъулиятни шакллантириш жиҳатларига эътибор қаратилган.

Ёш даврлари бўйича Теняева О (2011)<sup>3</sup> девиант хулқли ўсмирларда масъулият хусусиятларини, Казанцева. О.А (2008)<sup>4</sup> ўз тадқиқотида шахсий масъулиятни инсоннинг ҳар хил ҳаёт фаолиятидаги ва шахси шаклланишидаги аҳамиятини ёритиб берган. Ўзбекистонлик олимлардан Сафаев Н.С(2005)<sup>5</sup> ўз тадқиқот ишида масъулият категориясининг фаол (позитив) ҳамда ретроспектив (негатив) жиҳатларини психологик ва фалсафий таҳлил қилган.

Масъулият муаммосини ўрганишга бағишланган изланишлар талабалар шахсий ва касбий камолотида масъулиятнинг аҳамиятини ва унинг гендер

---

<sup>2</sup> Bates, A., Bates, M. & Bates, L. J. Preparing students for the professional workplace: Who has responsibility for what. *Asia Pacific Journal of Cooperative Education*, 2007 – № 8(2), – P.121-129.; Solbrekke T.D., Karseth B. Professional responsibility - an issue for higher education. *Higher Education*, 2006. –№ 52(1), – P. 95; Крылов Л.В. Педагогические условия воспитания социальной ответственности у студентов университета. Автореф. дис. ... канд. псих. наук. – Кострома, 2010. – С. 20; Казанцева О.А. Индивидуально-типические особенности ответственности личности студентов. Автореф. дис. ... канд. псих. наук. – Бийск, 2008. – С.20; Панарин И.А. Психология социальной ответственности лидеров молодежных движений. Дис. ... д-ра. псих. наук. – М., 2010. – С.340; Басова О.А. Психологические особенности ответственности предпринимателя в процессе личностно-профессионального развития. Автореф. дис. ... канд. псих. наук. – Ростов-на-Дону, 2008. – С. 20; Сахарова В.Г. Ответственность как личностный фактор и возможности ее диагностики: Автореф. дис. ... канд. псих. наук. – Хабаровск, 2003. – С 20; Гришаева Н. В. Социально-психологические факторы развития ответственности кадров управления. Дис. ... канд. псих. наук. – М., 2010. – С 20.

<sup>3</sup> Теняева. О.В. Особенности ответственности подростков с девиантным поведением. Автореф. дис. ... канд.псих.наук. – Москва, 2011. – С. 25

<sup>4</sup> Казанцева. О.А. Индивидуально-типические особенности ответственности личности студентов. Автореф. дис. .... канд. псих. наук. Бийск, 2008. – С.5.

<sup>5</sup> Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: Дис. ... д-ра. псих. наук. – Т.: УзНУ, 2005. – С. 159.

хусусиятлари ўрнини тадқиқ қилишда илмий йўналтирувчи вазифасини бажаради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 «Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2017-2021йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талабалар ўқув фаолиятида масъулият намоён бўлишини ифодаловчи омиллар ва гендер хусусиятларининг ўзига хосликларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

масъулият ва гендер хусусиятлари намоён бўлишининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаштириш ва психологик жиҳатларини асослаш;

талаба шахсида масъулиятнинг ўқув фаолиятига таъсирини аниқлаш;

талабалар ўқув фаолиятида масъулиятни шакллантиришнинг одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-психологик компонентлари ва гендер хусусиятларини ифодаловчи омилларини аниқлаш;

талабаларда ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятларини ўз-ўзига ишонч ҳамда ўқув мотивациялари билан боғлиқлигини аниқлаш;

талабалар масъулиятининг касбий билиш статусига (таълим босқичлари) кўра хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таҳсил олувчи 1-4 курс талабалари. Тадқиқотда жами 393 нафар респондентлар ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг предметини** талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари ва намоён бўлишини тавсифловчи психологик омиллар ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Муаммони эмпирик тадқиқ қилиш жараёнида куйидаги методикалар қўлланилди: И.А.Кочаряннинг “Масъулиятнинг шахслилик симптокомплексларини диагностика қилиш” сўровномаси; И.А.Крупновнинг “Масъулият” тести; Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўқув мотивациясини ташхислаш методикаси (С.А.Пакулина, М.В.Овчинников); Сандра Бемнинг «Шахснинг фемининлик ва маскулинлик сифатларини аниқлаш» методикаси; И.Г.Тимошукнинг “Шахснинг одоб-ахлоққа масъулиятлилиқ даражаси диагностикаси” сўровномаси; Н.Райдоснинг ўз-ўзига ишончни баҳолаш методикаси; маълумотлар ишончлилиқ даражасини аниқлаш, миқдорий маълумотларни статистик таҳлиллада махсус компьютер дастури асосида корреляцион боғлиқликни аниқлаш усуллари, натижаларнинг ўртача арифметик қиймати ва дисперсияни топиш формулалари (Стьюдентнинг – t муқаррарлик мезони) дан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

талабалар ўқув фаолиятида масъулиятни шакллантиришнинг одоб-ахлоқ, ижтимоий-психологик, динамик, когнитив, эмоционал, мотивацион, рефлексив баҳолаш, регуляторлик компонентларини аниқлаш ёрдамида «масъулият тавсифномаси» ишлаб чиқилган;

талабалар ўқув фаолиятидаги масъулиятни тавсифловчи эътиборлилик, назорат қилиш, ижтимоий ва одоб-ахлоқ меъёрларига таяниши каби етакчи омиллар аниқланган;

турли босқичда таълим олаётган талабалар масъулиятининг гендер хусусиятларини таълим жараёни, шахслараро муносабатлар, касбий камолот каби ижтимоий омиллар билан боғлиқлиги аниқланган;

ўқув фаолияти мотивациялари, ўзини назорат қилиш, касбий-билиш установакалари бўйича талабалар масъулиятининг маскулинлик, фемининлик, андрогинлик типлари тафовутлари ёритилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тадқиқот натижаларидан олинган хулосалар асосида талабаларда масъулиятни шакллантиришда гендер хусусиятлари ва уларнинг таъсирчанлик даражаси илмий, психологик жиҳатдан аниқланган;

талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг баҳоловчи психодиагностика методикалари тизими шакллантирилган;

талабалар ўқув фаолиятида маскулинлик, фемининлик, андрогинликни аниқлаш асосида масъулиятнинг гендер хусусиятлари типологияси шакллантирилган;

талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг намоён бўлиши ва гендер хусусиятларини ифодаловчи етакчи факторлари тизимлаштирилган;

талабалар ўқув фаолиятида «масъулиятни намоён бўлишининг гендер хусусиятлари» харитаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳитида танланганлиги, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлилиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади. Натижалар математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи «SPSS», натижалар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги аниқлашдаги Студент  $t$  – меъзонидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, масъулият хусусиятининг илмий-назарий ва психологик асослари, талаба шахсида масъулиятнинг ўқув фаолиятига таъсири билан боғлиқлиги, талабалар ўқув фаолиятида масъулиятни шакллантиришнинг одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-психологик компонентлари ва гендер хусусиятларини ифодаловчи омиллар

аниқланганлиги, ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятларини ўз-ўзига ишонч ҳамда ўқув мотивациялари билан боғлиқлиги очиб берилганлиги, талабалар масъулиятининг касбий билиш статусига (таълим босқичлари) кўра хусусиятларини аниқланганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, ўқув фаолиятида талаба шахсида масъулият намоён бўлишининг ўзига хос психологик хусусиятлари, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш имконияти, талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича педагог, психолог ва ота-оналарга тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан характерланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

масъулиятни шакллантиришнинг одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-психологик: динамик, когнитив, эмоционал, мотивацион, рефлексив баҳолаш, регуляторлик компонентлари бўйича таклифлари Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2017 йил 23-октябрдаги №06/604-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари мутахассислар билан гуруҳий ва индивидуал ишлашда, уларнинг иш фаолиятида масъулиятни камол топтириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ўқув фаолиятида масъулият хусусиятлари билан касбий билиш статуси даражалари ўртасидаги боғлиқликнинг гендер тафовутлари, “Масъулиятни намоён бўлишининг гендер хусусиятлари” тавсифномаси Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети талабаларини амалиётга тайёрлаш борасидаги вазифаларни бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 22-августдаги 89-03-1680-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсифнома ва тадқиқот натижалари бўлажак мутахассисларни малакали кадр бўлиб етишиш масалаларини такомиллаштириш жараёнида самарали натижага эришишда муҳим манба сифатида хизмат қилган;

бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнида масъулиятнинг гендер: маскулинлик, фемининлик, андрогинлик, хусусиятларига доир маълумотлар талаба-ёшларда ота-оналар, амалий психологлар билан тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишда ёшларда масъулиятни шакллантириш имкониятларини таништириш мақсадида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2017 йил 23-октябрдаги 06/604-сон маълумотномаси) Натижалар талаба-ёшларда мустақил ишлаш жараёнида самарали натижаларга эришилишини таъминлашга хизмат қилган;

талабалар ўқув фаолиятида масъулиятни тавсифловчи эътиборлилик, назорат қилиш, ижтимоий одоб-ахлоқ меъёрларига таяниш масаласида маънавий ва маърифий соатларда, талабалар тураржойларида, «Камолот»

ЁИХ (Ёшлар иттифоқи)га аъзо ёшлар ҳамда бошланғич ташкилот етакчиларига амалий психологик машғулот ва семинар-тренинглар ўтказишда жорий этилган («Камолот» ЁИХ (Ёшлар иттифоқи) Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 2017 йил 14-февралдаги 02-06/94-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ёшларда ижтимоий масъулиятни шакллантириш борасидаги ишларни амалга оширишда самарали хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек, объект ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг гендер хусусиятлари муаммосини ўрганиш психологик тадқиқот предмети сифатида»** деб номланган биринчи бобида талабалик даври ва ўқув фаолияти муаммоларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган.

Россия Федерацияси психологларидан С.Л.Рубинштейн, С.В.Быков, С.А.Гаврилушкин, С.Ф.Анисимов Т.Н.Сидорова Р.И.Косолапов, В.С.Марков, Ж.Е.Завадский, А.Плахотный, Л.В.Шевченко, Т.Н.Сидорова, К.Муздыбаев, Р.И.Косолапов ва В.С.Марков, К.Муздыбаев, М.С.Строгович (1979), Л.И.Дементий, О.В.Мухлынина, О.Н.Большаковаларнинг ишларида масъулиятнинг намоён бўлиши ижтимоий вазиятлардаги хулқ-атвор ички ва ташқи бошқарув механизмлари, интизом билан боғлиқлиги, меъёр сифатида, ахлоқ тамойиллари кўринишида мажбурият, ғурур тарзида, когнитив,

эмоционал, хулқ-атвор компоненти сифатида тадқиқ қилган<sup>6</sup>. Шу билан бирга инсон хулқининг йўналишлари ва эркинликни аниқлаш даражаси, ўз-ўзига нисбатан ишончи, ўзини бошқара олиш қобилияти, мажбуриятларни бажариш, ўз ишларига ҳисоб бериш жараёнида жамоадаги умумқабул қилинган ижтимоий нормаларга бўйсунуши жиҳатлари ўрганилган.

Масъулиятнинг шахс характери сифатида ҳаётда рўй берадиган ҳар бир иш билан боғлиқлигини, инсоннинг ҳаётий хулосаларини аниқлашда, балки уни режалаштириш жараёнида ҳам намоён бўлиши, шахснинг ўз мажбуриятларини чекловларсиз, виждонан бажариши лозимлигини англаши, шахсий талаб, мустақиллик, ўзига ишонч, локус назорат билан ўзаро боғлиқлигини аниқланганлиги, масъулиятни шахс хусусиятларининг тизими сифатида ўрганган ва таълим-тарбия жараёнида ўсмирларда масъулиятнинг даражаларини, касбий ўзлигини англаши билан касбий масъулиятнинг камолотини ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилинган.

Қатор хорижий олимларнинг изланишларида масъулият ҳам психологик, ҳам педагогик жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратилган Karseth B<sup>7</sup> (2006), Bates A., Bates M & Bates L. J (2007), Macfarlane B (2014), Fenwick T<sup>8</sup> & Edwards R (2016), Solbrekke T. D ва бошқаларнинг изланишларида талабаларни ишга қабул қилишда улар фаолиятига бўлган масъулият кимнинг зиммасига юклатилиши масаласига таҳлил қилинган. Унга кўра, масъулиятлилик ўз навбатида талабалар фаолиятининг муҳим хусусияти сифатида, касбий таълим жараёни ва масъулиятнинг шаклланишида рақамли технологиянинг ўрни ҳақида ёритилган, таълим жараёнида қўлланиладиган янги технологиялар талабанинг касбий масъулиятини шакллантиришга таъсири таҳлил қилинган.

Ўзбекистон психолог олимлар томонидан Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.А.Токарева, В.М.Каримова, З.Т.Нишонова, О.А.Абдусаттарова, Р.Н.Хикматуллаевалар ишларида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш хусусиятлари, ўқув фаолиятида психологик хусусиятлар намоён бўлиши, ўзини

<sup>6</sup> Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. В Том. 2. – Питер., – М, 2000. – С. 480; Быков. С.В Социально-психологическая регуляция ответственности личности. Дисс. ... д-ра псих. наук. – Казань, 2006. – С.23-24; Гаврилушкин С.А. Психологическая специфика проявления ответственности личности у студентов с различной патриотической направленностью. Автореф. дис. ... канд. Псих. наук. – М., 2012. – С. 6; Анисимов. С. Ф. Мораль и поведение. – М., 1979. – С. 115; Муздыбаев К. Психология ответственности. – Ленинград, 1983. – С.23; Косолапов Р.И., Марков В.С. Свобода и ответственность. – М.: Политиздат, 1969. – 17.С; Дементий Л.И. Типология ответственности и личностные условия ее реализации. Автореф. дис. ... канд. псих. наук. – М., 1990. – С. 8; Мухлынина.О.В. Воспитание ответственности учащихся подросткового возраста. Автореф. дис. ... канд. псих. наук. – Екатеринбург, 2007. – С. 4; Большакова О.Н. Условия формирования самосознания и профессиональной ответственности студентов ВУЗа. – Москва, Вестник Московского государственного областного университета. Серия: педагогика. – 2011,– № 4.– С.25.

<sup>7</sup>Solbrekke, T. D., Karseth, B. Professional responsibility - an issue for higher education. – Higher Education, – № 52(1), 2006. – P.95; Bates A., Bates, M & Bates L.J. Preparing students for the professional workplace: Who has responsibility for what. – Asia Pacific Journal of Cooperative Education, 2007. – № 8(2). – P.121-129. Central Queensland University; Macfarlane B. Teaching, integrity and the development of professional responsibility. Professional Responsibility. – New Horizons of Praxis, 2014. – P. 72.

<sup>8</sup> Fenwick T., Edwards R. Exploring the impact of digital technologies on professional responsibilities and education. – European Educational Research Journal, 2016. – № 15(1). – P.117-131.

назорат қилиш, ўз олдига мақсад қўя олиш, шахс хулқ-атворини мувофиқлаштириб турувчи омиллар юзасидан чуқур изланишлар олиб борилган<sup>9</sup>.

Шунингдек, Н.С.Сафаев ўз тадқиқотларида айнан масъулиятнинг шахс камолотида тутган ўрнини талаба-ёшлар мисолида ўрганиб, шундай фикрларни таъкидлаб ўтади: «Инсон ҳаёт қонуниятларини билиш ва уларни ўз фаолиятида қўллашга қодир экан, демак, шу нуқтаи назардан унинг хулқ-атворини ижтимоий меъёрлар билан бошқариш мумкин. Қолаверса, инсон ўз қилмишлари учун масъулиятни ҳис қилиши лозим»<sup>10</sup>.

Масъулият – бўлажак мутахассисларнинг керакли ва муҳим касбий сифатларидан биридир. Жамиятда мутахассисларга керак бўладиган хислатлар: мустақил қарор қабул қилиш ва эркин ҳаракат қила олиш, хоҳлаган касбий вазиятларда ўз бўйнига масъулиятни олишга тайёр бўлиш, фаолияти бўйича жамоада мақсад қўя олиш, муваффақиятига эришишда оптимал йўлни танлай олиши керак. Айтиш мумкинки, ҳар бир касбнинг ўз мутахассисига қўйиладиган талаблари, қонун-қоидалари бор, уларни бир моделга киритадиган бўлсак, уларнинг марказида масъулият муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқув фаолияти инсон шахсининг камол топишида энг муҳим жиҳатлардан биридир. Шу жумладан талаба шахсида ҳам бу жараён уларнинг асосий фаолият тури бўлибгина қолмасдан, характер сифатларини шакллантирувчи жиҳат ҳисобланади. Фаолият нуқтаи назаридан масъулият бажарилаётган ишда муваффақиятга эришишга таъсир қилишини, фаолиятни шакллантириши ва ривожлантиришини асослаб беришга ҳаракат қилади. Масъулият, меҳнат фаолиятининг натижасида ўз аксини топади. Р.Самаровнинг кўрсатишича, субъектда маскулинлик ва фемининликни ифодаланиши унинг иш жараёнида ўзига, меҳнат куролларига ва меъёрларига амал қилишда ўз ифодасини топади. Олимнинг фикрича, бу иродавий хусусият билан боғлиқ психологик ходисадир<sup>11</sup>. Мазкур хусусият меҳнат жараёнида индивидуал хулқ модели сифатида намоён бўлади. Жумладан, қатъийлик (ўз кучига ишонч, жасурлик кабилар) ютуқнинг шахс интилиш даражасига таъсири билан боғлиқ бўлади. Қатъийлик етишмаган инсонда эса ўз-ўзидан масъулиятсизлик келиб чиқади. Шунинг учун масъулият – бу шахснинг меҳнат фаолиятида ҳам синаладиган жараён ҳисобланади.

<sup>9</sup> Газиев.Э.Г.Психологические основы развития самоуправления учебной деятельностью у школьников и студентов: Автореф. дис. ... д-ра псих. наук. – М.: МГУ, 1992. – С. 38; Шоумаров Ф.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари // янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. – Т., 1998. – Б. 13-15; В.А.Токарева. Психология нравственного развития личности студента. Т.: Фан, 1989. – С. 25; Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар. Псих. фан. док. ... дис. – Т.: ТошДУ, 1994. – Б. 309; Нишонова З.Т. Олий мактаб психологияси. – Тошкент, 2003. –Б. 136; Абдусаттарова О.А. Оила муҳитида ўсмирларда шаклландириган жинсий идентификациянинг гендер хусусиятлари. Псих.фан. ном. ... дис. дис. ... – Т., 2007. – Б. 20; Хикматуллаева Р. Н. Гендерные особенности в представлениях о семейно-брачных отношениях как фактор определяющий жизнедеятельность семьи. Дис. ... канд. псих. наук. Т.: ТГПУ, 2009. – С. 12.

<sup>10</sup> Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи. Автореф. дис. ... д-ра псих. наук. – Т. 2005. – С 141.

<sup>11</sup> Самаров Р.С. Жамият ва Куролли Кучлар феминизациялашуви (монография). – Т.: 2008. – Б.258.

Бизнинг фикримизча, масъулият ўзи ва бошқалар, жамоа олдидаги ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулликни бўйнига олиб, шахснинг ўзини бошқариши ва хулқ-атворини шакллантирувчи энг асосий характер сифатидир.

«Талаба ёшларнинг гендер психологик хусусиятлари ва масъулият муаммоси» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида психологияда гендер муаммоси, ўқув фаолияти ва талабалардаги гендер хусусиятлар, талаба масъулиятига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омиллар, ёшлар психологиясида масъулият ва унинг намоён бўлиши масалалари баён этилган.

#### 1-жадвал

#### Талабаларда гендер хусусиятларининг С.Бем методикаси бўйича натижалари

№	Шкалалар	Талаба қизлар		Талаба йигитлар	
		X	$\sigma$	X	$\sigma$
2	<b>Маскулинлик</b>	0,63	0,015	0,96	0,17
3	<b>Фемининлик</b>	0,77	0,017	0,59	0,13
4	IS	-0,32		-0,85	

Талаба қизларда маскулинлик (0,63) ва фемининлик (0,77); талаба йигитларда маскулинлик (0,93) ва фемининлик (0,59) кўрсаткичлари улар кўпроқ андрогин типга мансуб эканлигини кўрсатди. Методиканинг хусусиятига кўра, талабаларда фемининлик ва маскулинлик сифатларининг намоён бўлиши, олинган мезон бўйича қуйидагича кўриниш олди: талаба қизлар (-0,32) ва талаба йигитларда (-0,85) кўрсаткичлар -1 ва +1 оралиғидаги қийматларни акс эттирди. Бу эса биополяр жинс вакилларининг психологик жинси – андрогинлик характерига эга эканлиги билан характерланмоқда. Мазкур методиканинг натижалари талабалар касбий тайёргарлик даврида ўзларининг психологик жинс тўғрисидаги тасаввурлари ва сифатларини шакллантиришга етарлича тайёр эканлигини ифодаламақда.

Шунингдек, талабалар гендер хусусиятлари билан уларнинг масъулиятлилиқ хусусиятларини ўзаро боғлиқлигини ўрганишда ҳар иккала методика ўртасидаги корреляцион муносабатлар аниқланди (2-жадвалга қаранг). Талаба қизлардаги масъулиятнинг умумий компонентлари билан гендер роллар ўртасидаги муносабатларда қуйидагилар аниқланди: Уларда масъулиятнинг динамик компонентидаги эрглик – маскулинлик билан ижобий корреляцион боғланиш кузатилди ( $r=0,394$ ,  $p\leq 0,01$ ). Бу эса ўз навбатида талаба қизларда масъулиятнинг ўсиб бориши маскулинлик сифатига хос хусусиятларни ўсишига таъсир қилишини кўрсатади. Масъулият сифатининг ўсиши эса уларда мустақиллик, шижоатлилиқ, доминантлик, таваккалга мойиллик, ўзига ишончилиқни келтириб чиқаради.

Аксинча, талаба қизларда аэрлик параметрининг ўсиб бориши, улардаги фемининлик ва маскулинлик сифатларининг пасайишига олиб келар экан ( $r = -0,317$  ва  $r = 0,275$ ,  $p\leq 0,01$ ).

Талаба кизлардаги масъулиятнинг онглилик параметридаги ривожланиши, маскулинлик сифатида ўсишни келтириб чиқармоқда ( $r=0,301$ ,  $p\leq 0,01$ ). Бу уларга масъулиятли вазифалар юкланганда топшириқларнинг аҳамиятини англаган ҳолда, чуқур ва моҳиятан ёндашишида ўзига бўлган ишончи, мустақиллиги, шижоатлилиги таъсир кўрсатиши мумкин эканлигидан далолат беради.

## 2-жадвал

### Талаба кизларда психологик жинс ва масъулиятлилиқ хусусиятлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари

	Компонентлар	Маскулинлик	Фемининлик
1.	Эрглик	<b>0,394**</b>	0,098
2.	Аэрглик	-0,317**	-0,275*
3.	Социоцентриқ	-0,106	0,241*
4.	Эгоцентриқ	0,004	0,047
5.	Онглилик	0,301**	0,146
6.	Хабардорлик	0,133	-0,120
7.	Предметли натижалилик	-0,027	-0,084
8.	Субъектив натижалилик	-0,060	-0,108
9.	Стеник	<b>0,281*</b>	0,006
10.	Астеник	0,156	-0,090
11.	Интерналлиқ	0,026	-0,025
12.	Экстерналлиқ	-0,164	-0,082

\*\*  $p\leq 0,01$ ; \*  $p\leq 0,05$

Шунингдек, тадқиқотимиз натижаларига кўра, талаба кизлар масъулиятининг эмоционал компонентидаги ўсиш (стеник - ( $r=0,281$ ,  $p\leq 0,05$ )) маскулинликнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмас экан. Бу эса талаба кизларни руҳлантирувчи ижобий натижаларга эришиш масъулиятнинг ўсиши маскулинлик сифатларини камол топишига хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Талаба йигитларнинг ушбу йўналишдаги натижалари навбатдаги жадвалда келтирилган (3-жадвал). Талаба йигитларнинг натижаларида қуйидаги миқдор кўрсаткичлари кузатилди.

Масъулиятнинг динамик компонентидаги эргликнинг ўсиши талаба кизлар сингари йигитларда ҳам маскулинликнинг ўсишига сабаб бўлади ( $r=0,235$ ,  $p\leq 0,05$ ). Натижада талаба йигитлар кўрсаткичлари улардаги маскулинлик сифатларининг ўсишини таъминлаши мумкин бўлади. Оқибатда талаба йигитлар масъулият сифатининг даражаси янада ўсади ва улардаги мустақиллик, шижоатлилиқ, доминантлик, таваққалга мойиллик, ўзига ишончилиқ сифатлари яққолроқ намоён бўлиши мумкин.

Талаба йигитлардаги аэргликнинг ўсиб бориши, улардаги фемининлик хислатининг ҳам ўсишига сабаб бўлади ( $r=0,268$ ,  $p\leq 0,01$ ). Талаба йигитлар масъулиятни ўз зиммасига олиш учун динамикликка эриша олмайди, қарор қабул қилиш ва масъулиятни ўз зиммасига олиши учун бошқаларнинг кўмагига таяниб қолиши кузатилди.

Талаба йигитларда социоцентриклик параметрини шакллантириш асосида (окибатида) маскулинлик сифатида ўсиш кузатилди ( $r=0,329$ ,  $p \leq 0,01$ ). Шунга кўра, уларга масъулиятли вазифалар юкланганда - топшириқларни мақсадли, изчил ва шижоатли бажаришга интилишлари хос дейиш мумкин.

### 3-жадвал.

#### Талаба йигитларда психологик жинс ва масъулиятлилик хусусиятлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

	Компонентлар	Маскулинлик	Фемининлик
1	Эрглик	0,235*	0,146
2	Аэрглик	-0,037	0,268*
3	Социоцентрик	0,329**	0,139
4	Эгоцентрик	0,055	0,114
5	Онглилик	0,130	0,102
6	Хабардорлик	0,035	-0,175
7	Предметли натижалилик	0,249*	0,115
8	Субъектив натижалилик	0,017	0,050
9	Стеник	0,162	0,191
10	Астеник	-0,069	-0,110
11	Интерналик	0,279**	0,033
12	Экстерналик	0,053	-0,060

\*\*  $p \leq 0,01$ ; \*  $p \leq 0,05$

Талаба йигитларда масъулиятнинг предметли натижавийлик ( $r=0,249$ ,  $p \leq 0,05$ ) ва интерналик параметрларидаги ( $r=0,279$ ,  $p \leq 0,05$ ) ўсиши маскулинлик сифатларининг кучайишига туртки бўлади.

Шунингдек, таҳлил натижасидан олинган маълумотлар қуйидаги хулосаларга келишимизга сабаб бўлди:

1. Талабалик даврида йигит-қизларда ўз жинсига хос хусусиятларни таркиб топтириш хоҳиши устун бўлади. Лекин бу ёшдаги қизларнинг катта ёшдагилар таъсирига кўпроқ берилиши, ўғил болаларда эса катталардан кўра ўз тенгдошлари таъсирига кўпроқ берилиши кузатилади.

2. Талаба қизларнинг таълим олиш жараёнида ўқув фаолияти билан биргаликда келгусида оилада она, бека, аёл вазифаларига муносиб бўлишига шу даврда шакллантириладиган жуда кўплаб фазилатлар боғлиқдир. Шунинг учун ҳам талаба-қизларни оилада келинлик, оналик масъулиятига ўргатиб бориш муҳимдир. Талаба йигитларда ҳам оила бошлиғи бўлиш каби улкан масъулиятли ишда зарур хусусиятлар шакллантирилиши лозим.

3. Талабаларда масъулиятни ривожлантиришда шахслараро муносабатлар ва албатта уларнинг касби нуқтаи назаридан ўз олдига қўйган вазифасига, бошқалар томонидан (ота-она, ўқитувчи, ўзидан катталар) берилган топшириққа муносабати, унинг бу ишни қандай бажариш ва унинг натижаси талабага қандай самара келтиришини ҳис қилиш, ундаги масъулиятнинг шаклланишига, кўпроқ ёки камроқ сабаб бўлиши мумкин.

4.Талаба ёшларда гендер хусусиятлар шаклланиши уларнинг нафақат индивидуал хусусиятларини балки, инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари учун зарур бўлган масъулиятнинг ҳам шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, гендер роллар оилада, жамоада, ижтимоий муҳитда, ўқув фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Диссертациянинг учинчи боби «Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг намоён бўлиши ва унинг гендер хусусиятлари» деб номланиб, унда талабалар масъулиятини ўрганишда фойдаланилган омилларнинг факторли таҳлили амалга оширилди. Унинг вазифаси қийматлар миқдорини камайтириш ва қийматлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик тузилмасини аниқлашдан иборат<sup>12</sup>. Тадқиқотимизда талабаларда масъулиятлилик хусусиятларини баҳолашда 23 та кўрсаткичдан фойдаланиб, улар орасидан тадқиқотимиз мақсадига мос келадиган 9 та фактор ажратиб олинди. Талабаларнинг ўқув фаолиятига нисбатан масъулиятининг гендер хусусиятларини факторли таҳлил этишда асосий эътиборни юқори юкламали коэффицентларга қаратамиз.

Шунга кўра талаба қизларнинг ўқув фаолияти масъулиятини ифодаловчи факторли таҳлил натижалари.

F<sub>1</sub>- факторида юқори юклама коэффицентини қуйидаги хусусиятлар ўзида акс эттирди:

«эрглик» (0,835); «тушунганлик» (0,661); «стениклик» (0,630); «ўзини қурбон қилишлик» (0,315); «альтруистик эмоциялар» (0,358). Ушбу юқори юкламали коэффицентлар талабаларда масъулиятнинг «қувватлаш, англаш, фаоллик, фидокорлик, инсонпарварлик» хислатларининг уйғунлигида муҳимлигини;

F<sub>2</sub>- факторида юқори юклама коэффицентини қуйидаги хусусиятлар ўзида акс эттирди: «предметли натижавийлик» (0,573); «субъектив натижавийлик» (0,473); «интерналлик» (0,554); «принципиаллик» (0,378); «меъёрга мувофиқлик» (0,451); «одоб-ахлоқ соҳасига интуиция» (0,333).

Бу факторларнинг намоён бўлиши масъулият учун «натижа, назорат, принцип, мослик, одоб-ахлоқ соҳасини ҳис этиш» зарурлигини;

F<sub>3</sub>- факторида юқори юклама коэффицентини қуйидаги хусусиятлар ўзида акс эттирди: «социоцентрик» (0,688); «интерналлик» (0,355); «ўз шахсини намоён қилиш» (0,594); «жавобгарликнинг экзистенциал жиҳати» (0,403).

Мазкур факторнинг «масъулият бошқалар манфаати учун ўзини сафарбар этишга мойиллик» сифатида кўриниш олганлигини;

F<sub>4</sub>- факторида юқори юклама коэффицентини қуйидаги хусусиятлар ўзида акс эттирди: «эгоцентрик» (0,424); «интерналлик» (0,386); «одоб-ахлоқли вазиятларга нисбатан рефлексия» (0,507); «самимийлик» (0,552).

Фактордаги ушбу хусусиятлар ўрни келганда масъулиятлиликда «ўз манфаатини тўлиқ назорат қилишда рефлексия»нинг зарурлигини;

F<sub>5</sub>- факторда юқори юклама коэффицентини қуйидаги хусусиятлар ўзида

---

<sup>12</sup> Наследов А.Д. Математические методы психологического исследования. Анализ и интерпретация данных. Учебное пособие. – СПб.: Речь, 2004.– С. 251-277.

акс эттирди: «аэрглик» (0,322); «ўзини қурбон қилишлик» (0,470) масъулиятли ҳолатларда «зид хусусиятлар» учраб туришини.

F<sub>6</sub>- факторда юқори юклама коэффицентни қуйидаги хусусиятлар ўзида акс эттирди: «одоб-ахлоқли вазиятларга нисбатан рефлексия» (0,530); «одоб-ахлоқ соҳасига интуиция» (0,498); «жавобгарликнинг экзистенциал жиҳати». Бу тоифадаги юқори юкламали коэффицентлар масъулият учун «одоб-ахлоқ меъёрлари» муҳим эканлигини.

F<sub>7</sub>- факторда юқори юклама коэффицентини қуйидаги хусусиятлар ўзида акс эттирди: «стеник» (0,326); «интерналлик» (0,329); «принципиаллик» (0,561); «меъёрга мувофиқлик» (0,561); «жавобгарликнинг экзистенциал жиҳати» (0,376); «альтруистик эмоциялар» (0,369).

Талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг «фаоллик, назорат, қатъийлик, реалликка мувофиқ ва инсонпарварлик» тамойилларига амал қилиш зарурлигини кўрсатади.

#### 4-жадвал

#### Талаба қизларнинг ўқув фаолияти масъулиятини ифодаловчи факторли таҳлил натижалари

№	Параметрлар	Факторлар						
		F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	F <sub>7</sub>
1	Эрглик	<b>0,835</b>	-0,005	-0,190	0,006	-0,002	-0,002	0,142
2	Аэрглик	<b>-0,552</b>	0,110	<b>-0,357</b>	0,110	<b>0,322</b>	0,271	-0,201
3	Социоцентрик	0,0084	0,145	<b>0,688</b>	-0,140	<b>-0,342</b>	0,003	0,002
4	Тушунганлик	<b>0,661</b>	-0,004	-0,008	-0,218	0,237	0,234	-0,113
5	Хабардорлик	<b>-0,648</b>	-0,342	-0,001	0,260	-0,200	-0,001	0,221
6	Предметли натижавийлик	0,129	<b>0,573</b>	-0,007	-0,262	-0,116	-0,0008	-0,163
7	Субъектив натижавийлик	0,298	<b>0,473</b>	-0,295	0,152	<b>-0,393</b>	0,178	0,121
8	Стеник	<b>0,630</b>	-0,0041	-0,290	-0,186	0,155	-0,001	<b>0,326</b>
9	Астеник	<b>-0,486</b>	-0,254	-0,181	0,187	-0,120	0,138	-0,008
10	Интерналлик	0,001	<b>0,554</b>	<b>0,355</b>	<b>0,386</b>	-0,008	0,251	0,329
11	Экстерналлик	0,003	0,149	-0,006	<b>-0,367</b>	-0,557	-0,188	-0,008
12	Принципиаллик	-0,254	<b>0,378</b>	-0,249	0,006	0,210	-0,007	0,561
13	Меъёрга мувофиқлик	<b>-0,387</b>	<b>0,451</b>	<b>-0,339</b>	0,102	-0,004	-0,110	<b>0,300</b>
14	Ахлоқийлик	-0,003	<b>0,403</b>	0,221	0,182	0,295	-0,426	0,108
15	Ўзини қурбон қилишлик	<b>0,315</b>	0,192	0,292	0,007	0,470	-0,341	-0,205
16	Одоб-ахлоқ соҳасига интуиция	-0,205	<b>0,333</b>	0,311	-0,008	<b>-0,337</b>	0,498	0,245
17	Жавобгарликнинг экзистенциал жиҳати	0,169	-0,001	0,403	0,004	0,264	0,147	<b>0,376</b>
18	Альтруистик эмоциялар	0,358	-0,485	0,208	0,228	0,008	-0,003	<b>0,369</b>
19	Одоб-ахлоқ доирасидаги қадриятлар	<b>-0,573</b>	0,006	0,167	<b>-0,385</b>	0,207	-0,002	0,006

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, талаба қизларда ўқув фаолиятига нисбатан бўлган масъулиятни ифодаловчи натижаларга кўра «қувват, англаш, фаоллик, фидокорлик, инсонпарварлик», «натижа, назорат,

принцип, мослик, одоб-ахлоқ соҳасини ҳис этиш», «масъулият бошқалар манфаати учун ўзини сафарбар этишга мойиллик», «ўз манфаатини тўлиқ назорат қилишда рефлексия», «зид хусусиятлар», «одоб-ахлоқ меъёрлари» ва «фаоллик, назорат, қатъийлик, реалликка мувофиқ ва инсонпарварлик» факторлари етакчилик қилганлиги кузатилди.

Талаба йигитлар натижаларининг факторли таҳлили эса уларда масъулиятга хос бўлган қуйидаги омилларни аниқлаш имкониятини берди. Шу билан бир қаторда уларда масъулият билан боғлиқ аниқланган факторлар мазмунида умумий натижалар ҳамда талаба қизларнинг кўрсаткичлари билан ўхшаш томонлари ҳам мавжуд эканлиги кузатилди.

#### 5-жадвал

